

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№152 (6.677). Sotuvda erkin narxda

BUGUNGI SONDA

УМР ОҚАР ДАРЁДИР

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШГАНЛАР

ҲИҚМАТ ВА ИБРАТ

(1-4-саҳифаларда)

(1-2-саҳифаларда)

(4-саҳифада)

ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган 18 декабр куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида юқори мартабали мекмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

20 декабрдан давом этадиган ташриф асосида Туркия Бош вазирининг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан учрашуви, икки мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштириляпти.

(ЎзА)

УЧ БУЮК ҚАДРИЯТ

ТОШКЕНТ (Дилноза АЗИМОВА, ЎзА). Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Уч буюк қадрият: маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат» мавзусида дарах суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда олий ўқув юртли раҳбарлари, ёшлар, хотин-қизлар ва маҳаллалар фаоллари, уламолар қатнашди.

Унда Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2004 йилнинг Меҳр ва муруват йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиши, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ҳаётимизда янада мустаҳкам қарор топтириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлгани таъкидланди. Бу аҳоли, айниқса, ёшлар қалбига эзгу туйғуларни камол топтириш, юксак инсоний фазилатларни ҳаққимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас қисмига айлантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ёшлар қалби ва онига миллий истиқлол ғояларини синдириш, шарқона одоб-ахлоқ ва аъёнларни қарор топтириш, уларни турли экстремистик оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ишларни янада қучатириш лозимлиги қайд этилди. Бунда жойлардаги хотин-қизлар, ёшлар ва маҳаллалар фаолларининг, оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломов сўзга чиқди.



Чорвадан бой бўлиш осон эмас. Бунинг учун кунда ҳам, тунда ҳам уйқудан воз кечиш керак. Нуробод туманидаги Р.Жаҳонгиров ширкат ҳўжалигининг бош чўпони Қобил Яхшибоев отасининг мана шу ўғитига амал қилиб, кам бўлгани йўқ. Аксинча, 25 йиллик қилган меҳнатлари эвазига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» унвонига сазовор бўлди.

«Отарда 400 бош қўйимиз бор. Ҳар йили ҳар юз бош қўйдан 160 тадан қўзи оламиз, жунни ошиги билан топирамай. Насиб қилса чўпнинг таёғини ҳали кўп йил ташламайман, - дейди у.

СУРАТДА: Қобил Яхшибоев.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ? ХАЙР-БАРАКА НИМА?

Чори Қулматов билан бозор ҳақида, тарози тўғрисида, сотувчилар борасида суҳбатлашиб... ажиб гуруннга дуч келдим...

«Алиёр бодрингчи бўларди. Баъзилар уни «Алиёр бодринг» дерди. Игирма йиллар бозорда бодринг сотди. Тормораси катта эди. Болалари билан етиштирарди. Уларига ишонмай ўзи бозорда ўтириб сотарди. Кун бўйи. Жазирама иссиқдям, - жилмайди суҳбатдошим - Афсонага ҳам ўхшайди. Алиёр бодринг рўпарасига оппоқ соқолли бобо келади. Пул узатади: «Невараларимга бир кило бодринг беринг» дейди. Эрта баҳор бўлган. Апрель ойларидан... Алиёр тарозига бешта бодринг ташлайди. Бир килога озгина етмаяпти. Битта кичик бодринг топиб тарозига кўяди. Энди бир килодан салгина ошиб, тарози палласи турибди. Алиёр бодринг кичик бодрингни пичоқ билан яримдан қайчи қилиб кесди, тарозига қўяди. Тарози тенг келди. Сотиб олаётган отахон хайрон қарайди. Бодрингларни рўмолга тугиб Алиёр бодрингга синчков тикилади. Ва дейди: «Умр бўйи барақангиз бўлмайди». Бу сўз Алиёр бодрингнинг тоновонига зирқиратади. Кўзи қақчайиб бобога қарайди.

Алиёр бодринг ҳам ўзича ҳақ эди: «Ҳеч кимнинг ҳақини юлиб қолаётганим йўқ-ку. Тилло тарози қилиб бераёлман. Керак бўлса, бир бодрингни беш бўлиб тарозига кўман»...

Шу-шу сотувчилар орасида гап пайдо бўлди:

«Алиёр бодрингнинг на уйда, на савдосида барака бор. Шуна ишлайди, бири икки бўлган эмас.

Бу гурун теваракка тарқалди. Бу воқеани Сурхондарё бозорларидан бот-бот эшитасиз. Алиёр бодринг хайрдан ўтиб кетди. У ўзича ҳақ эди, лекин номин «хасис, зина» деган сўзга боғланиб қолди. Сотувчилардан, полициялардан сўрасан «Дехқончиликнинг хайр-баракаси бўлади. Бодринг кесиб сотиш дехқонга ярашмайди», дейишди. Фақат икки киши «Тарозидан уриниб қолиш гуноҳ. Алиёр бодринг ҳеч кимнинг ҳақини уриб қолмас эди. Гуноҳи йўқ» дедилар.

Тарозидан яширин тарзда уриб қолиш ҳозир айтиш аважига чиққан паллада. Алиёр бодринг ҳақ эди дейман. Яна уйлайман: катта томирқода бодринг етиштириб, кичик бодрингни нега кесиб, бўлақлади экан, дейман.

Сиз нима дейсиз? Алиёр бодринг ноҳақми? Дехқончиликнинг хайр-баракаси нима? Эки бу эскирган гапларми?

О.МУРОДОВ

ТАШАББУСКОРЛИК, ТАДБИРКОРЛИК, ИЗЛАНУВЧАНЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида республика Президенти И.А.Каримов қилган маърузада мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, ислохотларни кенг қўламда ва изчил амалга ошириш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида учрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, авваламбор давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қолаверса ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши лозимлиги, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Хўш, келажаги буюқ Ўзбекистонимизнинг янада раванқ топишида, улкан бунёдкорлик ишларини бажаришда, эл дарди билан яшашда раҳбарнинг, қолаверса ана шу жараёнга алоқадор ҳар бир мутасаддининг иштироки қандай бўлмоғи керак? Маърузани диққат билан ўқиб, магазини чаққиша ҳарқат қилар экансиз, бу саволларга батафсил жавоб оласиз, қониқиш ҳосил қиласиз.

Дарҳақиқат, маърузада таъкидланганидек, давлат ва жамият, элчи бошқарадиган ҳар қайси вазифада албатта ишнинг кўзини биладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жа-

воб бера оладиган ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб бўлган ақли қатъий, тадбиркор ва ҳушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга моликдир.

Мамлакатимизда ислохотлар ислохот учун эмас, аввало инсон учун олиб борилаётгани бор гап. Бас шундай экан, қишлоқ ҳўжалигида, қишлоқ ҳаётида жуда катта ишларни амалга ошириш зарур. Мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган қишлоқ ҳўжалик соҳасини бошқариш, қабул қилинган қарорларни изчиллиги ва катъият билан ҳаётга жорий этиш жойлардаги

аҳволни яхши биладиган, минтақаларнинг дарди билан яқиндан таниш бўлган раҳбар ва мутахассисларнинг ташаббускорлигига, тадбиркорлигига, изланувчанлигига боғлиқдир.

Буни Самарқанд вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган икки йил давомида вилоятнинг нафақат ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида, балки одамлар билан

НИГОХ

тил топишиш, эл-юртнинг кўнглига етиб бориш ва уларнинг бошлани қовуштириш туйғайли кўпал эзгу ишларни амалга ошириш мумкинлиги бу ҳудудда етакчи бўлиб ишлаган раҳбар фаолияти мисолида ўз исботини топди. Албатта, бундай улкан ишларни амалга оширишда аввало шу юрт заҳматқашлари, фидойилари, бутун Самарқанд элининг хизмати ва меҳнати бекиёс. Аммо Президентимиз таъкидлаганларидек, буларнинг барчасини бошқариш, одамларни

катта марраларга, керак бўлса зафарларга чорлаш, уларни ўз кучи ва қудратига ишонтириш – бу ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келавермайди.

«Вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш ҳақида гапирганда, деди давлатимиз раҳбари, аввало, шунинг айтиш кераки, Самарқанд ахли – бу туман ёки вилоят маркази бўладими, узоқ ва чекка қишлоқлар бўладими – бугун ҳамма жойда катта, баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Вилоят меҳнатқашларининг иқтисодиётни юксалтириш, ўз маҳалласи, ўз юртини янада обод қилиш мақсадида янги-янги ўқларга интилиб, улкан ишларни амалга ошираётганини бутун Ўзбекистон кўриб турибди, десак асло хато бўлмайди».

Шундай экан, бугунги раҳбарнинг масъулиятини чуқур ҳис этиши, ўз фаолиятини эл-юрт фаолияти билан чамбарчас боғлаб олиши, халқнинг эртанги кунини, истиқболини ҳар томонлама кўзлаб иш олиб бориши, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, ёш ав-

лод иқболини ўйлаб, ёруғ келажакни яқинлаштириш йўлида бутун борлигини сафарбар этиб фидокорона меҳнат қилиши давр талабидир. Фақатгина ўзини ўйлайдиган, мансабинин суниётсизмол қиладиган, қариндош-уруғчилик, маҳаллийлик, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик касалига мубтало бўлганларнинг эса фаолияти узоққа бормайди, бундайлар тез орада эл-юрт назаридан қолади.

Демак, халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз раҳбарининг маърузаларидан келиб чиқадиган ҳулосалар, йўл-йўриқлар, маслаҳатлар ана юртимизнинг иқболи ва истиқболи йўлида фаолият кўрсатаётган ҳар бир раҳбарнинг қалбидан жой олмоғи зарур. Ушандагина шу раҳбарнинг ижрочилик билан чекланиб қолмасдан, ташаббускорлик, тадбиркорлик, изланувчанлик билан фаолият кўрсатадилар, элим деб, юртим деб ёниб яшайдилар.

КИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

Гийҳвандлик балоси қанчадан-қанча навқирон йигитлар умрига зомин бўлиб, не-не оилалар бошига қулфат ёғдирмади дейсиз. Шу туйғайли гулдай умрини темир панжаралар ортда ўтказишга маҳкум бўлганлар ҳам кам эмас. Унинг касрига бузилган оилалар, но-

«ОҚ АЖАЛ» ДОМИДА

гирон туғилган гўдақлар ҳақида гапирганин эса ўзи бўлмайди. Лекин иллат барҳам топмайпти. Бир жойда кесилган томир бошқа жойда яна илдиэ отмоқда. Бунга эса бойлик орттириш илтижиди «заҳри қотил» савдоси билан шуғулланаётган кимсалар сабаб бўлмоқда. Питнак шаҳрида истиқомат қилиб келган эр-хотин Бекжоновлар ана шундайлар сирасига қиради. Хар иккаласи

(Давоми 2-бетда)

«ҚОР ЧУЛҒАГАН ЧЎҚҚИ»

Юрагида ўти бор инсон борки, мудом эзгулик учун, ён-веридидаги кишиларнинг бахти-саодати учун ёниб яшайди. Не бахти, халқимиз орасидан етишиб чиққан валломат инсонлар қалби ана шу улғувор ниятлар оғушига йўғрилган. Уларга бунёдкорлик, яратувчанлик, йўқдан бор қилиш, ўзининг инсоний матлаби теграсида энг олий бурч саналади.

Муҳтарам Ўртбосимиз томонидан Оксарой қароргоҳида Ватанимиз раванқи, эл-юрт фаровонлиги, илм-фани, маданияти, адабиёти соҳаларидаги катта хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимизга юксак муқофотлар ҳадаэ этилганида, ана шундай танти, ҳалол меҳнатлари эвазига ўзидан ўчмас из қолдирган кишилар эътибордан четда қолгани йўқ.

Муқофотланган ЭХТИРОМ лар орасида ёлқинли шеърлари, ўлмас насрий асарлари билан ҳаммамизга яхши таниш: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Фулом Алдиров – Шухрат домла ҳам бор. XX аср ўзбек адабиёти бустонини «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Машраб» сингари сара романлари, «Сенинг севгинг», «Хали тун узоқ», «Кавказ дафтари» каби лирик кайфиятга бой, теран туйғулар уфуриб турган шеърий тўпلامлари билан шухрат топган Шухратнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланиши адабиётимиз илхосманлари, кенг китобхонлар оммаси дилидаги муддао бўлди.

Авалло шунинг айтиш кераки, Шухрат ўзига замондош қаламқаш салафлари орасида назм ва насрда кўп ва хўп қалам тебратган адиблардан саналади. Салоҳият бобида қилни қирқ ёрадиган зукко шеърхон, унинг шеърларида Ватан мавзуси алоҳида бўртиб туришини англаб етиш қийин эмас.

(Давоми 4-бетда)

БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУХБАТ

(Бугунги суҳбатдошимиз - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Тошўлпат Аҳмад) -Сиз билан бир пийла чой устида гурун уюштиришни тахририят қаминига топширган. Биламан, сиз Лабиховуэ чойхонасининг хуморини яхши кўрасиз. Ҳозир иссиқ кўк чой келтиришади. Юнча, аъёнага

ШОИРЛИК – ШОҲЛИКДИР СУХАН МУЛКИДА...

кўра беш рақамга муносабатингизни ўртоқлашиб турсангиз. «Қишлоқ ҳаёти»ни қолдирмай кузатиб бораман. Доимий руқнларингиз бўлмиш «Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат»да меҳмон бўлишни анчадан буюн орзу қилиб юрүвдим. Мавриди бугун экан-да. Газетангиз орқали «5» рақамининг саналмаган ҳосияти, шарҳи-ҳоли қолмади хисоб. Шу даражада кенг маъноли, ҳадсиз маъналий ра-

(Давоми 4-бетда)

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми? Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

МУРУВВАТ

Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ўтказилган йилгиликда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида 2003 йилда қилинган ва келгуси йилда режалаштирилган ишлар муҳокама этилди.

НОГИРОНЛАРГА ЭЪТИБОР

Айни пайтда Ўзбекистонда 2 миллион 765 минг пенсиясиз бўлиб, шундан 1 миллион 903 минг нафари келсалик ёшидаги пенсиясиз хисобланади. Ногирон нафақахўрлар 800 минг нафари ташкил этади. Уларнинг 536 минг нафари биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, 229 минг нафари эса болаликдан ногирон бўлганлардир. Вазирлик томонидан саккиз мингдан ортиқ ногирон ҳар йили 10 мингдан зиёд протез-ортопедия маҳсулотлари билан бепул таъминланади, шу йилнинг 9 ойи мобайнида бир минг етти юз нафар ногиронга ногиронлар арава-часи берилди.

Хозирги кунда ногиронлар реабилитациясига алоҳида эътибор берилмоқда. Вазирликнинг тиббий реабилитация марказида ҳар йили ўн икки мингдан зиёд ногиронга ёрдам кўрсатилади.

Айни кунда йигирма беш мингта яқин ўзгалар қаровига муҳтож ёлғиз ногиронларга ёрдам берилляпти, ўлтиз тўртта тиббий-ижтимоий марказда саккиз минг қария ва ногирон тулиқ давлат қарамоғига олинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда пенсия ва нафақаларга кўшимча равишда кўпгина имтиёзлар тизими жорий этилган, унинг йиллик ҳажми йигирма миллиард сўми ташкил этади. Жорий йилда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун вазирлик йўналишида давлат томонидан жами 8 миллиард сўм дотация берилди. 2004 йилда бу маблағ микдори 11 миллиард сўмга етказилди.

Ногиронларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун меҳнат билан бандлик Давлат жағмарамси томонидан кредитлар ажратилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ногиронларга ўн юз эллик олти миллион сўмдан зиёд кредит ажратилиши натижасида 878 та ишчи ўринлари яратилди. Ногиронларга тиббий-реабилитация хизмати кўрсатишлари, уларни қўллаб-қувватлаш аянда мукамаллаштириш мақсадида шифокор реабилитологларни ўқитиш, бу борада чет эл тажрибаларини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

"Туркистон-пресс"

ИЖАРАЧИ САРҲИСОБИ

Пахта йилги-терими эндигина бошланган кунларнинг биринчи Избоскан туманидан хавасга аригулик хушхабар келиб қолди. "Избоскан" ширкат хўжалигининг оилавий пудратчиси Дониёр Деҳқоннинг бир терими билан пахта тайёрлаш режасини ошириб бажаришга ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил йилги-териб олиш билан режани бажариш ҳамма деҳқонга ҳам набиб эътиборидан натижа.

Яқинда Избосканга йўлимиз тушиб, Дониёр Деҳқонов билан кўришмоқчи ният қилдик. Оддий киши бўлиб, кўрниси жуза сода. Салом-алиҳдан сўнг Дониёрнинг ишлари билан қизиқдик. Унинг ихтиёрида жами 17 гектар ер бор. Бу ерда ака-ўка, қариндош-уруғ бўлиб жами 11 киши меҳнат қилади. Галла ҳосилдорлиги 70 центнердан ошганлиги ҳисобигагина 12 тонна бугдойни мукофотга олишиди. Пахтанинг яқини ҳақида сўз очганимизда қисқа ва лўнда жавоб берган Дониёрга яна хавасимиз келди. 8,7 гектар ер ҳисобига ҳосилдорлик 50,8 центнерданга етибди. Тайёрланган 44,2 тонна пахтанинг деярли ҳаммаси биринчи навга сотилиши эвазига ҳар гектар пахтадан 1 миллион 132 миң сўмдан даромад олинбиди.

Хўжалиқда Дониёр каби изланувчан ва интилувчан ижарачилар анчагина экан. 519 гектар майдон 78 оилавий пудратчи тасарруфига берилган. Бошқарув хайяти ва ижарачилар ўртасида "Ширкат хўжалиги тўғрисида"ги қонун доирасида шартнома мажбурд. Ҳар икки томоннинг ҳуқуқи ва бурчи ана шу шартномада мўжассам. Шундан бўлса керакки, ҳар икки томон ҳам ўзига юклатилган масъулиятни бирдек ҳис Сотволдиев, Қасимов, Муроджон Қоилавий пудратчилар билан мулоқотда бўлганимизда шуни англадикки, фаолият кўрсатаётган барча ижарачилар режаларини қўзғалгандан зиёда даражада бажаришибди.

Хўжалиқда тайёрланган пахтанинг 101 фоизи биринчи навга сотилганиги эвазига даромад қувонарли бўлди. Аникроқ қилиб айтсак, тармоқдан 411 миллион сўм даромад қўрилди. Дон тайёрлашда ҳам худди шундай салмоқли натижаларга эришилганиди. Тайёрланган 2070 тонна доннинг тенг ярми уруғлик бўлганлиги боис тармоқдаги рентабеллик даражаси 35 фоиздан юқори. Бошқоқли екинлар парваршиш қилган 18 оилавий пудратчи яқин даромад қилди. Шартнома мажбуриятини барча кўрсаткичлар бўйича эдо этган оилавий пудратчилар меҳнатларига муносиб таразда манфаатдор бўлмоқдалар.

ШАКЛ ЎЗГАРДИ, МОҲИЯТ-ЧИ?

Ҳукуматимизнинг ўтган йил 8 январда қарорига асосан республикадаги бир қанча паст рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналари қатори Шўрчи туманидаги Гулмирза Ниёзов номидаги ширкат хўжалиги ҳам тутилди. Ерлари, мол-мулки 36 та фермер хўжалигига тақсимланди.

Фермерлик ҳаракатлари бошланган пайтлар "энди кўпчилик ишсиз қолиб кетади. Фермер даласида ўз оғай-ниларини ишлатади, қолганлар бекорчи бўлиб юраверади" дейдиганлар ҳам бўлди. Аслида меҳнат қиламан, деган кишининг ҳеч бири ишсиз қолмайди. Секин-аста одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабати ўзгарди. Янгича ишлаш усули ўз самарасини бера бошлади. Неча масвуддан бери пахта тайёрлаш режасини бажариб келаётган Гулмирза Ниёзов номидаги фермер уюшмаси 2002 йилда бу борадаги режани Шўрчи туманида пешқадам сафида эдо этди.

Албатта, дастлабки йили баъзи камчиликлар ҳам бўлди. Лекин фермер хўжаликлари бошлиқлари қийин-чиликлардан эсанкираб, ўзларини йўқотиб қўйишмади. "Бўлса бўлди, бўлмаса менга нима", дегандай қўл силтаб қўйишлар йўқолди. Секин-секин камчиликларини бартараф қилишга, муаммоларни ҳал этишга ва ҳамма ишни ўзлари эплашга кўникишди.

ЗАМОН

Азамат Эшқобилов бошлиқ "Эшқобил бобо" фермер хўжалиги аъзоларининг ҳар бирига эса бунқ сифатида 1,2 тоннадан галла тарқатилди.

Чунки жамоа галлазорларида ҳосил мўл бўлди-да.

Фермер Йўлдош Бердимуродов соф фойдаси ҳисобидан бир йилга 2 та мойи артилмаган "МТЗ-100" тракторини заводдан олиб келди. Бу фермер хўжалиқлари тўбора оёққа тўзи олаётганининг нишониси.

Бугун фермерлик ривожланиш пиллаюси эканлигини ҳамма тушуниб етди. Езда тупроқ, қишда лой қўчаларга фермерлар ташаббуси билан тош-шағал ётқизилди. Мактаблар ташрикланди. Бу ишлар якунланган, барча фермерлар йилгиликда уюшма раиси Бобораҳмат Шукровро: "Мен ҳисоб-китоб қилиб чқдим, уюшмаси тасарруфидидаги хонадонларни газлаштириш учун 25 миллион сўм керак бўларкан. Энди бу ишга набиб бўлса пахта тайёрлаш



Акционерлик-тижорат "Тадбиркорбанк"нинг Яққабог тумани бўлимида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўн бир ойи давомида тадбиркорларга 185 миллион 826 миң сўм микдориди қисқа ва ўрта муддатли кредитлар берилди. Асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, чорвачиликни тараққий эттиришга мўлжалланган ушбу кредитлар ҳозирданққ ўз самарасини бераёпти.

КОРХОНА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Фарғонадаги "Бувайда" ип-йигирув очиқ турдаги акциядорлик жамияти қайта тикланди.

Суратда: банк бошқарувчиси Улугбек Рашидов бош ҳисобчи Илҳом Абдуллаев ва кредит бўлими бошлиғи Баҳодир Нормуродовлар билан галдаги иш режалари ҳақида суҳбатлашмоқда. Баҳром МУРОДОВ олган сурат.

ЙЎЛДОШХОН ОПАНИНГ БОҒЛАРИ

Бу боғлардан йил бўйи асалнинг иси келади. Кеч қузда пишиб-етилган меваларга қарасангиз, кўз қамашади. Анорларнинг ранги тип-тиник. Шафтолилар қирмизи тусда. Қора олюҳрилар худди буюкқа ботириб олингандай.


ИЗЛАНИШ

Мевали дарактларни кўпайтирсам, олма ва ўрикнинг йўқолиб кетган навларини тикласам", дея ўйлаёради. Аҳир олма камқонлиқни дувалдади, ўрик эса юрак хасталиғига шифо. Қишлоқ одамлари орасида мана шу хасталик кўп учрайди. Шундай экан, боғ майдонларини кенгайтиришда ҳижмаат қилди. Йўлдошхон опа Дўстлик туманидаги "Навбахор" қўнғаччилик хўжалиғига қарашли "Почина" фермер хўжалиғининг соҳибиси. Қирқ гектарча ер майдонининг яримдан кўпроғида галла еттиштирилади. Давлатга пахта сотиш бўйича белгиланган режаларининг ошиғи билан бажариб келади. Қарабосқиз, йил охирида қўтилгандан ҳам кўпроқ даромад келиб турибди. Қозон ҳам мой, чўмчи ҳам...

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

САДДАМНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БўЛАДИ?

"Америка, Буюк Британия танклари Бағдод ости-насига қириб келганда, Ироқ асир тушган душманлар ҳуқуқини ҳурмат қилади. Ҳарбий асирлар ҳуқуқи Женева конвенцияси асосида ҳимояланади", - дея Ироқ телевидениеси орқали баёнот берган эди Садам Хусайн.



Орадан 8 ой ўтиб, оё-биқ диктаторнинг ўзи америкаликлар қўлида асир бўлиб турибди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Женева конвенциясида Ҳарбий асирлар ўлимга маҳкум этилмайди. Садам Хусайн президентлик даврида Ироқ армияси кўмондони эди. Садам асир тушган вақтда эса бу армиядан асар ҳам қолмаган эди. Женева конвенциясида Ҳарбий асирларни фақат ўз давлатларида суд қилиш кўрсатиб ўтилган. Ҳўш, Садам Хусайн Ҳарбий асирнинг ёки жиноятчи? Уни ким суд қилади? Шу саволлар бугун жамоатчиликни қизиқтириши, шубҳасиз. АҚШ ҳукумати Садам Хусайн қўлга тушган давлатлари кунда уни Ҳарбий асир сифатида қабул қилган эди. Эндиликда эса аксинча, собиқ диктаторни жиноятчи деб ҳисобламоқда.

Халқаро Қизил ҳоч ташкилоти вакиллари Садам Хусайннинг Ҳарбий асирлар тоифасига қириштириб, тиббий қуриқдан ўтказилганини Женева конвенцияси моддаларига эид ҳол, деб билишмоқда.

Ироқнинг вақтинчилик ҳукумати аъзолари АҚШ ҳукумати-нинг қаршилиғига қарамай Садам Хусайнни ўз ватани Ҳарбий судига топшириши талаб қилишмоқда.

НАВБАТДАГИ ТАҲДИД


"Ал қоида" террористик гуруҳи Жанубий Кореяда АҚШ фуқароларига қарши теракт уюштиришга тайёрлаган қўришайтган экан. Террорчилар бир неча бор Жанубий Кореяда жойлашган Американин Ҳарбий база ва аэропортларини қўриқлаш тизими тўғрисидаги маълумотларни олишга уриниб қўришган.



Бу ҳақда давлат парламентига тақдирим эитилган Жанубий Корея маҳсуус раэведкасининг ёлғиз баёнотида айтиб ўтилган, деб хабар беради АҲР ахборот агентлиғи. Уюштирилиши мумкин бўлган ушбу терактдан юртимизнинг сибаситни қўллаб-қувватлашга тўқсиклик қилиш ҳам бўлиши мумкин деган таҳминлар бор.

ЯДРОВИЙ ДАСТУР НИМАГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

БМТнинг ядровий иншоотларини зулдлик билан текшириш хусусидаги амалиётига Эрон ўз розилигини билдирди.



Бундан бир қанча муддат илгари халқаро ҳамжамиятда Эроннинг ядровий дастури тинчлик мақсади-ларига қаратилма г а н л и г и тўғрисидаги шубҳалар пайдо бўлган эди. Ушбу текширувлар ҳақидаги протокол Эрон ҳукумати вакиллари ва БМТнинг атом энергияси бўйича агентлиги - МАГАТЭ бошлиқлари ишти-роқида Венада бўлиб ўтадиган бўлди. Протоколда Эрон ядровий иншоотларида текширувчи бошлаш ва бу ҳақда икки соат аввал оғохлантириш берилиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Эрон октябр ойида ушбу протоколга имзо чекишини айти-тиб ўтган. Аммо БМТнинг текширув олиб бориши тўғриси-даги мазкур қарори Техронда норозилик бахсларига олиб келганлиги сабаб бу иш бир муддат ортга сурилган эди. Эрон вице-президенти Голамраз Оғазода мамлақатда олиб борилаётган ядровий дастур фақат тинчлик ва атом энерге-тикаси тараққиёти учун хизмат қилишини айтиб ўтди.

БИН ЛОДЕН ИЗИДАН

Афғонистонда террорчилар рўйхатининг биринчи ўринини эгаллаб турган "Ал-Қоида" экстремистик гуруҳининг бошлиғи Усама Бин Лоденни қўлга олиш операциялари кенг қамровда бошлаб юборилди. Охириги маълумотларга қўра, Бин Лоден ва унинг гу-машатларидан бири Заважди Аман Покхистон ҳамда Афғонистоннинг ўтиб бўлмас тоғли ҳудудларида жой-лашиб олишган.



АҚШ мудофаа вази-рлиги бу борада ҳар икки давлат билан ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф этди. Тоғли ҳудудлар-да яшовчи аҳоли вакиллари ҳам уларга бажонадлик ёрдам беришларини билди-ришган. Чунки улар тоғ ҳудудларини яқин билишди. Қи-дирув ишларида кета-диган маблағ ва қўчаларнинг аксарият қисмини АҚШ мудо-фаа вазирлиғи ўз зиммасига олишга қарор қилди, дея ҳа-бар беради Интерфакс ахборот агентлиғи. Интернет хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.



ИСЛОҲОТ

Кобилжон АСКАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. СУРАТДА: Избоскан туманидаги "Избоскан" ширкат хўжалиги оилавий ижарачиси Дониёр Деҳқон. Х.АРАББОВЕВ олган сурат.

Бир томони Наманган туманига, яна бир томони, Учқўрғон, Чортоқ, Норин ерларига туташ Уйчи тумани ўзининг мард, танги, орятилик одамлари, тадбиркор, уста деҳқонлари билан донг таратган. Уйчи - қишлоқ тумани бўлганлиги сабабли ҳам бу ерда умргузаронлик қилаётган эл-улусининг тиржиқчилиги кўп жиҳатдан ерга, ундан олинаётган ҳосилга боғлиқ. Уйчиликлар ерга етарли даражада ишлов, озука, энг асосийси, деҳқон меҳри керак эканлигини англаб етишганлиги сабабли ҳам қишлоқ хўжалиғи соҳасида яхшигина натижаларни қўлга қиритиб келмоқдалар.

Чиндан ҳам бу ернинг иқлим шароити, ери ва суви пахтачилик ҳамда галлачилик-ни ривожлантиришга анча қулай. Айниқса, уйчиликлар галлачиликда катта ютқўнларни қўлга қиритмоқдалар. Утган йили айрим пудратчилар 75-90 центнердан ошириб галла ҳосилини й и г и ш т и р и б олишди.

Бу йил кузда 5 миң 455 гектар майдонга галла эккан эдик, - дейди туман ҳокими Муҳиддин Валиев. - Бир текис, барабав ривожланаётган галла майдонларига етарли микдорда минерал ўғитлар солинди, меъерда суғорилди. Ерларни деҳқончиликка ўқув бор, тадбиркор пудратчиларга бирктибди берилиши ҳамда ишловчиларнинг моддий манфаатдорли-гини таъминлашга жиғидий эътибор қаратилганлиги ҳам ўзининг ижобий натижасини бераётир. Насиб этса, келгуси йилда ҳосилдорлик бу йилгидан ҳам юқори бўлади.

Бугун деҳқоннинг қилаёт-ган меҳнатидан қўнғли тўқ, - деди сўзини давом эттириб М.Валиев. - Ким яқин ишлаган бўлса донини ҳам, пулни ҳам олди. Бундан ташқари, ҳозирда барча ерларнинг мелiorатив аҳолини қайта ўрганиб ерларнинг ҳолатини янада яхиллашши режалаш-тирмоқдамиз. Хўжалиқларда бўлсангиз бун и у з и н г и з қ у р - а с и з.

17 миң 150 тонна оқ олтин-ни қабул қилиб олиб, қайта ишлаяпти. Янги технологиялар ўрнатганимиз боис бу мавсумда 35 миллион сўм соф фойда олиш кўтилмоқда. Албатта олинган фойда жамия-тимиз аъзоларининг яшаш ва ишлаш шароитини тубдан яхиллаш имконини тўғдиради. Хиссардорлар дивидендларини вақтида олишмоқда. Ош-хона, соғломлаштириш мар-кази, маданий-машиий хизмат кўрсатиш шохобчалари мун-тазам ишлаб турибди.

СИФАТЛИ ТОЛА - ХОРИЖГА

Асосий эътиборни махсу-лот сифатида қаратаёмиз, - 17 миң 150 тонна оқ олтин-ни қабул қилиб олиб, қайта ишлаяпти. Янги технологиялар ўрнатганимиз боис бу мавсумда 35 миллион сўм соф фойда олиш кўтилмоқда.

АДИР БОЙЛИГИ

Ш.Рашидов номи ширкат хўжалиғи Уйчидаги бошқа хўжалиқлардан деярли фарқ қилмайди. Фақат бу ерда боғ-роғлар мўл. Пахта ва галла экила-диган ерлар кир-адирликларда жой-лашган. -Сиз қўриб турган ҳов анови баланд-паст адириқлардан ҳар йили мўл ҳосил еттиштирамиз, - дейди ширкат хўжалиғи раҳбари Иқромжон Абдулазизов. - Бу йил 298 гектар май-донга экилган пахта-нинг ҳар гектаридан 25 центнер, галладан 50 центнердан ҳосил кўтар-дик. Даромадга қараб буро-мад деганларидек, одамлари-нинг қўли пул қўрпяпти, рўзғорига барака ораляпти. Дарҳақиқат, хўжалик аҳли учун бу мавсум саховатли қелди. 630 гектар боғ-тоқзор, 30 гектар сабоват экилган ер майдонларидан яхшигина ҳосил олинди. Айни кунлар-да бу ерда қишки дала юмушлари амалга оширил-моқда.

Кўриниб турибдики, кел-ажакда Уйчи тумани меҳнат аҳлининг ютқўнлари янада қўсалишига шубҳа йўқ. Чунки туманда инсон омилига эъти-бор, биринчи навбатда иш-ловчиларнинг моддий манфа-атдорлигини ошириш учун қилнаётган саъй-ҳаракатлар шундан далалат бермоқда.

Улугбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

